**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»**

№ вм - 343 - 3400 - 3.19
«09» ___08___ 2003 й.

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус**
**таълим вазирлиги**
**С.Туляиов**
**«1» июль 2003 й.**

# “СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ”

## фанидан

# ДАСТУР

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалавриат йўналишлари учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. М. Альмардонов
к.ўқ. О. Шодиев
**Тақризчилар:** и.ф.н. Х. Омонов
доц. П. Саидходжаев

Олий таълимнинг давлат стандартларига мувофиқ “Бизнес ва бошқарув” соҳаси бўйича “Солиқлар васоликқа тортиш” фани умумкасбий фанлар жумласидан ҳисобланади. Мазкур фанни ўқитиш жараёнида солиқ тўловчилардан ундириладиган солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг объектив зарурлиги, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг тавсифан очиб бериш кўзда тутилади. Шу билан бир қаторда солиқ органлари томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида ҳаракатда бўлгансолиқлар ва солиқсиз тўловлар бўйича назарий ҳамда амалий масалалар батафсил ўрганилади. Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган.

На основе государственного страндарта Высшего образования по направлению “Бизнес и управления” дисциплина “Налоги и налогообложение” дисциплинаобщепрофессионально дисциплиной. В процессе обучения данной дисциплины дается характеристика налоговой объязательств юридическии и физически лиц по исчисление и уплаты налогов и др. Данная типовая программа составлена на основе государственных стандартов образования Республики Узбекистан.

Subject of “taxes and taxation” is considered as specialized subjects of “taxes and taxation” based on High education’s state standards. In process of teaching this subject, character of taxes and nontax payments of juridical and corporal persons, calculation of taxes and nontax payments and orders of paying to budget are lightened. Especially calculation of taxes and nontax payments of juridical and corporal persons, presentation of calculations and orders of payments are learned practically and deeply. This example program is approved and confirmed by Ministry of High and Secondary Education of Republic of Uzbekistan.

**Дастур Тошкент молия институти илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (2002 йил 25 апрель 9 - сонли баённома).**

# 1. СЎЗ БОШИ

**Фанни ўқитишнинг мақсади, предмети ва вазифалари**

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитишдан мақсад, таълим олаётган талабаларни Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бўлган солиқ тизими билан таништириб, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш ҳамда чуқурлаштириш билан бир қаторда олаётган билимларини солиқ амалиётида қўллай олишини ўргатишдир. Фаннинг олдига қўйилган вазифалар асосан талабаларни амалдаги ҳар бир солиқ тури билан таништириб, уларга солиқ объекти, субъекти, солиқларни ҳисоблаш услубиятлари, ундириш усуллари, имтиёзлари, солиқ органларига ҳисоб - китобларни тақдим этиш тартибларини, ҳисобланаётган солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини ўргатишдан иборатдир.

**Бошқа фанлар билан алоқаси**

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани бир қатор фанлар билан, жумладан, “Молия”, “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Статистика”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” каби фанлар билан узвий боғланган.

**Фан бўйича талабалар билим, кўникма ва маҳоратларига талаблар**

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани юзасидан ҳар бир талаба билимларини мустаҳкамлаш учун ҳаракатда бўлган солиқ турлари бўйича қабул қилинган йўриқномалар, кўрсатмалар, тушунтириш хатлари билан танишиб, уларни ўзлаштириб боришлари зарур, яъни:

- солиқлар ва солиққа тортишнинг асосий тамойилларини пухта эгаллашлари;
- республикамиз солиқ қонунчилигига биноан ҳаракатда бўлган ҳар бир солиқ турини ўрганишлари;
- солиқларга оид бўлган меъёрий ҳужжатлар, қонунлар, қарорларни ўзлаштиришлари;
- солиққа тортиш усулларини амалиётда қўлланилишини эгаллашлари;
- ривожланган мамлакатлар солиқ тизими билан республикамиз солиқ тизимини қиёслашлари;
- солиқ ишини юритиш механизмини пухта эгаллашлари;

- солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланиши муддатлари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари;
- бюджетга тўланадиган солиқлар устидан назорат ўрнатишни ўрганишлари.

**Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларнинг мавзуларини талабалар тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб борувчи ўқитувчи назоратида тайёрланган ишлар юзасидан суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

**Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми**

Олий касбий таълимнинг “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани бўйича давлат стандартларида мазкур курсга 108 ўқув соат ажратилган. Уларнинг 36 соати маъруза, 36 соати амалий машғулот, 36 соати мустақил таълимдир.

**Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш асосида белгиланади. Фанни ўқитиш семестрида жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

**“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва уни ўрганиш усуллари**

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва уни ўрганиш усуллари. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг иқтисодий фан эканлиги. Фаннинг ўрганиш объекти. Ушбу фаннинг мақсад ва вазифалари. Фаннинг ўрганиш предмети. *Фан предметини ўрганиш ва тадқиқ этишда қўлланиладиган умумметодологик ва хусусий усуллар*. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.

**Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва тамойиллари**

Солиқлар ва солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти. Солиқларнинг тавсифий хусусиятлари ва умумий белгилари. Солиқларнинг функциялари.

Солиқларнинг олдига қўйилган вазифалар. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги фарқ. Солиққа тортиш ва бюджет жараёни. Солиқларни таърифлаш масалалари. Солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқли жиҳатлари. Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа солиқсиз тўлов тушунчаларининг бир - биридан фарқланиши (ажратилиши). Солиққа тортиш тамойиллари тизими. Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари. *А.Смит тамойиллари. А.Темур тузукларида солиққа тортиш тамойиллари. А.Темур ва А.Смит тамойилларида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар.* Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиққа тортиш тамойиллари.

**Солиқ элементлари**

Солиқ элементларининг моҳияти. Солиқ муносабатлари иштирокчилари: солиқ ундирувчи (солиқ ва божхона хизмати органлари); солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс). Солиққа тортиш предмети. Солиқ объекти. Солиқ манбаи. Солиқ объекти ва солиқ манбаининг бирлиги (ўхшашлиги). Солиққа тортиладиган база. Солиқ меъёрлари. Солиқ бирлиги. Солиқ кўлами (масштаби). Солиқ ставкасининг мазмуни. *Солиқ ставкаси турлари: пропорционал (мутаносиб); прогрессив; регрессив; қатъий; улушли (фоизли); табақалаштирилган; табақалаштирилмаган; ўзгарувчан; ўзгармас. Солиқ ставкаларининг табақалаштириш мезонлари.* Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларининг турлари: тўлиқ озод этиш; қисман (вақтинчалик) озод этиш; солиқ базасини камайтириш. Солиқ кредити. Солиқ каникули. Солиқ оклади. Солиқни тўлаш муддатлари. Солиқ даври. Солиқни ундириш усуллари: кадастрли; даромадни манбада солиққа тортиш; даромад эгаси даромадни олгандан кейин (декларация).

**Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг шаклланиши**

Солиқ тизимининг моҳияти. Солиқ тизими молия тизимининг таркиби эканлиги. Солиқ тизимининг таркиби. Солиқ тизими унсурлари. Солиқ тизими унсурларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги. Солиқ тизимининг гуруҳланиши. Эгри солиқлар. Тўғри солиқлар. Эгри ва тўғри солиқларни бир - биридан фарқи. Оборотдан олинадиган солиқлар. Даромаддан олинадиган солиқлар. Мол - мулк қийматидан олинадиган солиқлар. *Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Умумдавлат солиқлари ва йиғимлари. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ўртасидаги боғлиқлик. Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратма қилиш мезони ва тартиби.* Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон

Республикаси солиқ тизимини ривожланган давлатлар солиқ тизими билан ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

### Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғи

Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни. *Солиқни тўловчилар таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базасининг шаклланиши, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.* Юридик шахсларнинг фаолият юритиш нуқтаи - назаридан, мулк шакли нуқтаи - назаридан, ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг экспортга йўналтирилиши нуқтаи - назаридан ҳамда устав капиталида хорижий сармояларнинг улушига қараб даромад ёки фойда солиғини тўлашлари, солиқ ставкаларининг уларга нисбатан табақаланиш жараёнларини ўрганишдан иборат.

### Соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ)

Соддалаштирилган солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий аҳамияти. Ягона солиқнинг солиқ тизимида тадбиқ этилиши ва амал қилиш жараёни. *Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттиришда соддалаштирилган солиқ тизимининг бераётган ижобий натижаларини амалий маълумотларига таҳлилий ёндашиб, асосий мезонлари бўйича ўрганиш.* Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти, ставкалари, солиқни ҳисоблаш услубияти. Солиқ бўйича имтиёзлар таркиби ҳамда солиқ органларининг назорат шаклларини амалий ҳужжатлар асосида ўзлаштириш.

### Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг хизмат кўрсатувчи соҳа сифатидаги аҳамиятини ўрганиш. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг хусусиятлари. Ялпи тушумдан ягона солиқнинг солиқ тизимида жорий этилиши ва зарурлиги. Белгиланган даромаддан ягона солиқнинг субъектлари таркиби, солиқ объектини аниқлаш услубияти. Солиқ ставкалари ҳамда солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. *Ялпи тушумдан ягона солиқ ва белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳужжатли маълумотлар асосида таҳлил қилиш.* Солиқ органларининг улар фаолияти бўйича олиб борадиган тезкор ва ҳужжатли текширув жараёнлари билан танишиш.

**Қўшилган қиймат солиғи**

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимига жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти. Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари, солиқ бўйича имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш усули. *Счёт - фактурани тўлдириш тартиби ва солиқни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш.* Ривожланган давлатлар солиқ тизимида амал қилаётган қўшилган қиймат солиғининг ижобий хусусиятларини ўрганиб, бу масалаларни республикамизда амал қилаётган қўшилган қиймат солиғи бўйича ишлаб чиқилган солиқ қонун ҳужжатлари билан таққослаш.

**Акциз солиғи**

Акциз солиғининг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикиси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар учун акциз солиғи. Солиқни тўловчилар таркиби, солиққа тортиш объекти ва ҳисоблаш тартиби. Акциз солиғини ҳисобга олиш ва бухгалтерияда расмийлаштириш. Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлардан акциз солиғини ҳисоблаш ва ундириш тартиби. Маҳаллий бозорни ҳимоялашда акциз ости маҳсулотларига қўлланиладиган акциз маркаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда стратегик йўналишларини батафсил ўрганиш. *Ривожланган давлатларда акциз ости маҳсулотларига белгиланадиган акциз солиғини белгилаш услубиятини таҳлил қилиш ва ижобий жиҳатлари бўйича тушунчалар ҳосил қилиш.*

**Юридик шахслардан олинадиган мол - мулк солиғи**

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида мол - мулк солиғини жорий этиш сабаблари. Мол - мулк солиғининг шаклланиш жараёни ва тарихий босқичлари. Мол - мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Солиққа тортиш мақсадида мол - мулк тушунчаси. Юридик шахслар мол - мулк солиғини тўловчилари сифатида. Юридик шахслардан мол - мулк солиғини ундиришда мол - мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш тартиби. *Корхоналарда мол - мулкнинг қайта баҳоланиши ва унинг солиқ объектига таъсири. Мол - мулк солиғи ставкаси. Экспортни рағбатлантиришда мол - мулк солиғи ставкасининг табақаланиши.* Ўз вақтида ўрнатилмаган асосий воситалар учун оширилган солиқ ставкаси ва уни қўллаш тартиби. Мол - мулк солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар мезонлари ва гуруҳланиши. Мол - мулк солиғини ҳисоблаш тартиби. Мол - мулк солиғини бюджетга ўтказиш тартиби

ва бухгалтерия счётларида акс эттирилиши. Мол - мулк солиғида асосий муаммолар.

**Жисмоний шахслардан олинадиган мол - мулк солиғи**

Жисмоний шахслар тўлайдиган мол - мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслардан олинадиган мол - мулк солиғининг тўловчилари. Жисмоний шахслар мол - мулкининг турлари ва солиқ объекти. Жисмоний шахслар мол - мулкини баҳоланиши ва қайта баҳоланиши. Мол - мулк солиғининг ставкалари ва унинг табақалаштирилиши. Мол - мулк солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар. Мол - мулк турлари бўйича солиқ ҳисоблашнинг хусусиятлари. Жисмоний шахслардан мол - мулк солиғини ундириш тартиби. *Юридик ва жисмоний шахслардан мол - мулк солиғининг ундирилишининг фарқлари. Жисмоний шахслардан мол - мулк солиғини ундиришнинг асосий муаммолари.*

**Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи**

Ер солиғини солиқ тизимига жорий этишнинг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти ва унинг тарихий шаклланиши. Юридик шахслар ер солиғини тўловчилари сифатида. Ер солиғи объекти. Ер солиғи ставкалари ва унинг ҳудудий табақалаштириш асослари. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари ва унинг гуруҳланиши. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. *Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ягона ер солиғини жорий этишнинг ижтимоий иқтисодий сабаблари ва зарурияти.* Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Ҳисобланган солиқ суммасини бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби. *Ер солиғи бўйича амалиётдаги асосий муаммолар.*

**Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи**

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг иқтисодий моҳияти. Ер солиғи тўловчилари ва уларнинг гуруҳланиши. Ер солиғининг объекти ва уни аниқлаш тартиби. Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар. Имтиёзларнинг пайдо бўлиши ва бекор қилинишини ҳисобга олиш тартиби. Ер солиғининг ҳисобланиши. Ер солиғини бюджетга ундириш тартиби. *Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишдаги ўхшашлик ва фарқлар.* Жисмоний шахслардан ер солиғини ундиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш тартиби.

**Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ**

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслар даромадларининг таркиби. Солиқ тўловчилари. *Солиқ объектини аниқлаш хусусиятлари. Норезидент жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Жисмоний шахслар даромадига солиқ бўйича имтиёзлар таркиби ва уларни белгилаш мезонлари.* Солиқ ставкалари ва уларнинг табақаланиши. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларни солиққа тортиш. Декларация тушунчаси ва унинг турлари. Декларацияни тўлдириш тартиби ва топшириш муддати. Ўз муддатида жисмоний шахслар олган даромадлари бўйича декларация тақдим этмаган бўлсалар, уларга нисбатан солиқ қонунчилигида белгиланган жавобгарликларни ўрганиш.

**Инфратузилмани ривожлантириш солиғи**

Инфратузилмани ривожлантириш солиғининг иқтисодий моҳияти. Корхоналар ихтиёридаги ижтимоий соҳа объектларини босқичма - босқич давлат тасарруфига ўтказиш. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти. Солиқ бўйича берилган имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш тартиби. *Инфратузилмани ривожлантириш солиғидаги асосий муаммолар. Солиққа тортиш базасини ҳисоблашда унга қўшиладиган ва қўшилмайдиган манбалар бўйича маълумотларни таҳлил қилиш.*

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва уни жорий этиш сабаблари. *Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишда иқтисодий чора - тадбирларнинг аҳамияти ва йўналишлари. Солиқ объекти ва уни* аниқлаш тартиби. Солиқ ставкалари ва унинг табақаланиш мезонлари. Солиқни ҳисоблаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш тартиби. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш механизмидаги муаммолар.

**Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ**

Ер ости бойликлардан фойдаланишни солиққа тортиш зарурлиги ва сабаблари. Ер ости бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланишда иқтисодий чора - тадбирларнинг аҳамияти ва йўналишлари. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари. *Солиқ ставкалари ва унинг табақаланиш асослари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби.* Ер ости бойликлардан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш механизмидаги муаммолар.

**Экология солиғи**

Экология солиғининг иқтисодий моҳияти ва солиқ тизимида тутган ўрни. *Экология солиғини солиқ тизимига жорий этиш сабаблари.* Солиқ тўловчилари. Солиқ ставкаси. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби. Экология солиғи бўйича қонун ҳужжатлари асосида тақдим этилган имтиёзлар таркиби. Экология солиғини ҳисоблаш услубиятидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўналишлари.

## 3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

**“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва ўрганиш усуллари**

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва ўрганиш усуллари. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани иқтисодий фан эканлиги. Фаннинг ўрганиш объекти. Ушбу фаннинг мақсад ва вазифалари. Фан предметини ўрганиш ва тадқиқ этишда қўлланиладиган умумметодологик ва хусусий усуллар.* “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.*

**Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва тамойиллари**

Солиқлар ва солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти. Солиқларнинг тавсифий хусусиятлари ва умумий белгилари. Солиқларнинг функциялари. Солиқларнинг олдига қўйилган вазифалар. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги фарқ. Солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқли жиҳатлари. Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа солиқсиз тўлов тушунчаларининг бир - биридан фарқланиши (ажратилиши). Солиққа тортиш тамойиллари тизими. Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари*. А.Смит тамойиллари. А.Темур тузукларида солиққа тортиш тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиққа тортиш тамойиллари.

**Солиқ элементлари**

Солиқ элементларининг моҳияти. Солиқ ҳуқуқий нормаси дастлабки элемент сифатида. Солиқ муносабатлари иштирокчилари: солиқ ундирувчи (солиқ ва божхона хизмати органлари); солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс).* Солиққа тортиш предмети.* Солиқ объекти. Солиқ манбаи.* Солиқ объекти ва солиқ манбаининг бирлиги (ўхшашлиги). Солиққа тортиладиган база.* Солиқ меъёрлари. Солиқ ставкасининг мазмуни. Солиқ ставкаси

турлари: пропорционал (мутаносиб); прогрессив; регрессив; қатъий; улушли (фоизли); табақалаштирилган; табақалаштирилмаган;ўзгарувчан; ўзгармас. Солиқ ставкаларини табақалаштириш мезонлари.* Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларининг турлари: тўлиқ озод этиш; қисман (вақтинчалик) озод этиш; солиқ базасини камайтириш.* Солиқ оклади. Солиқни тўлаш муддатлари. Солиқ даври. Солиқни ундириш усуллари: кадастрли; даромад эгаси манбаидан олгунга қадар; даромад эгаси манбани олгандан кейин (декларация).*

**Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва унинг шаклланиши**

Тизим тушунчаси. Солиқ тизимининг моҳияти. Солиқ тизимининг таркиби. Солиқ тизими унсурлари.* Солиқ тизими унсурларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги. Солиқ тизимининг гуруҳланиш тартиби.* Эгри солиқлар.* Тўғри солиқлар.* Эгри ва тўғри солиқларнинг бир - биридан фарқи. Оборотдан олинадиган солиқлар. Даромаддан олинадиган солиқлар. Мол - мулк қийматидан олинадиган солиқлар. Солиқ тизими молия - кредит тизимининг таркиби эканлиги. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ислоҳ қилинишининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ривожланган давлатлар солиқ тизими билан ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

**Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғи**

Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни*. Солиқлар тўловчилар таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар таркиби, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

**Соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ)**

Соддалаштирилган солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий аҳамияти. Ягона солиқнинг солиқ тизимига тадбиқ этилиши ва амал қилиш жараёни. Солиқни тўловчилари таркиби, солиқ объекти, ставкалари, солиқни ҳисоблаш услубияти.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг хусусиятлари. Ялпи тушумдан ягона солиқнинг солиқ тизимига жорий этилиши ва зарурлиги*. Белгиланган даромаддан ягона солиқнинг субъектлари таркиби, солиқ объектини аниқлаш услубияти*. Солиқ ставкалари ҳамда солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

**Қўшилган қиймат солиғи**

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимига жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти. Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Солиқ тўловчилари таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари, солиқ бўйича имтиёзлар*. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш усули. Счёт - фактурани тўлдириш тартиби ва солиқни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш.

**Акциз солиғи**

Акциз солиғининг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикиси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар учун акциз солиғи. Солиқни тўловчилар таркиби, солиққа тортиш объекти ва ҳисоблаш тартиби*. Акциз солиғини ҳисобга олиш ва бухгалтерияда расмийлаштириш. Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлардан акциз солиғини ҳисоблаш ва ундириш тартиби.

**Юридик шахслардан олинадиган мол - мулк солиғи**

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимига мол - мулк солиғини жорий этиш сабаблари. Мол - мулк солиғининг шаклланиш жараёни ва тарихий босқичлари. Мол - мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Солиққа тортиш мақсадида мол - мулк тушунчаси. Юридик шахслар мол - мулк солиғини тўловчилари сифатида. Юридик шахслардан мол - мулк солиғини ундиришда мол - мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш тартиби*. Мол - мулк солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар. Мол - мулк солиғини ҳисоблаш тартиби. Мол - мулк солиғини бюджетга ўтказиш тартиби ва бухгалтерия счётларида акс эттирилиши. Мол - мулк солиғида асосий муаммолар.

**Жисмоний шахслардан олинадиган мол - мулк солиғи**

Жисмоний шахслар тўлайдиган мол - мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслардан олинадиган мол - мулк солиғининг тўловчилари. Жисмоний шахслар мол - мулкининг турлари ва солиқ объекти. Мол - мулк турлари бўйича солиқ ҳисоблашнинг хусусиятлари. Жисмоний шахслардан

мол - мулк солиғини ундириш тартиби*. Юридик ва жисмоний шахслардан мол - мулк солиғининг ундирилишининг фарқлари. Жисмоний шахслардан мол - мулк солиғини ундиришнинг асосий муаммолари Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.* Умумдавлат солиқлари ва йиғимлари.* Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ўртасидаги боғлиқлик. Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратма қилиниш мезони ва тартиби.*

**Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи**

Ер солиғини солиқ тизимига жорий этишнинг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти ва унинг тарихий шаклланиши. Юридик шахслар ер солиғини тўловчилари сифатида. Ер солиғи объекти. Ер солиғи ставкалари ва уни ҳудудий табақалаштириш асослари*. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари ва унинг гуруҳланиши. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун Ягона ер солиғини жорий этишнинг ижтимоий иқтисодий сабаблари ва зарурияти. Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби*. Ҳисобланган солиқ суммасини бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби.

**Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи**

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг иқтисодий моҳияти. Ер солиғи тўловчилари ва уларнинг гуруҳланиши. Ер солиғининг объекти ва уни аниқлаш тартиби. Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар*. Имтиёзларнинг пайдо бўлиши ва бекор қилинишини ҳисобга олиш тартиби. Ер солиғининг ҳисобланиши. Ер солиғини бюджетга ундириш тартиби. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишдаги ўхшашлик ва фарқлар*.

**Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ**

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслар даромадларининг таркиби. Солиқ тўловчилари. Солиқ объектини аниқлаш хусусиятлари*. Норезидент жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Солиқ ставкалари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларни солиққа тортиш. Декларация тушунчаси ва унинг турлари*. Декларацияни тўлдириш тартиби ва топшириш муддати.

**Инфратузилмани ривожлантириш солиғи**

Инфратузилмани ривожлантириш солиғининг иқтисодий моҳияти. Корхоналар ихтиёридаги ижтимоий соҳа объектларини босқичма - босқич давлат тасарруфига ўтказиш*. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти. Солиқ бўйича берилган имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш тартиби. Инфратузилмани ривожлантириш солиғидаги асосий муаммолар*.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва уни жорий этиш сабаблари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкалари ва уни табақалаштириш мезонлари*. Солиқни ҳисоблаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш тартиби ва бухгалтерия счётларида акс эттирилиши. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундириш механизмининг муаммолари*.

**Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ**

Ер ости бойликлардан фойдаланишни солиққа тортиш зарурлиги ва сабаблари. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари. Солиқ ставкалари ва унинг табақаланиш асослари*. Солиқни бюджетга ўтказиш тартиби. Ер ости бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ механизмидаги муаммолар.

**Экология солиғи**

Экология солиғининг иқтисодий моҳияти. Экология солиғини солиқ тизимига жорий этиш сабаблари*. Солиқ тўловчилари. Солиқ ставкаси. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби.

## 4. ИНФОРМАЦИОН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида замонавий техник воситалардан, компьтерлардан, алоқа воситалардан, интернет тармоғидан ва бошқа информацион - техник воситалардан фойдаланиш белгиланган.

1. Компьютер
2. Аудио ва видео жиҳозлар
3. Дипроектор
4. Кодоскоп
5. Интернет тармоғи.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

**Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:**

- - жорий баҳолаш (ЖБ);
- - оралиқ баҳолаш (ОБ);
- - якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70 фоиз, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланган.

Фан бўйича дастур тўлиқ ўтилгандан кейин талабалар “ёзма иш” усулида (ўқув режасига кўра) якуний баҳолашни топширадилар.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби “рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида” “ёзма иш” усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Т.: Адолат, 2002 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни. //Халқ сўзи, 1997 й 29 август
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
9. Алимбоев С. “Солиқлар” ўқув қўлланма 2000 й.
10. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. - Т.: 1996 й.
11. Йўлдошев М., Турсунов Й. “Солиқ ҳуқуқи” - Т.: Молия, 2000.
12. Кан Т. Солиқ қонунчилиги асослари. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001 й.
13. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: часть 1. - Т.: ГНК 1998 г.

14. Налоги / под.ред. Д.Г Черника (учебное пособие). - М.: Финансы и статистика, 1998 г.
15. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудит информ 2001 й.
16. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. - М.: Юнити, 2000.
17. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Ғ. Ғулом, 2000 й.
18. Яҳёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. - Т.: 1999 й.
19. Яҳёев Қ. Ўзбекистонда солиқ тизими. - Т.: Меҳнат, 1998 й.

**Қўшимча адабиётлар**

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан маърузалар матни. –Т.: 2001 й.
2. Беганов В. ва бошқалар Молия сиёсати, солиқлар ва солиқ солиш. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998 й.
3. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002 й.
4. Налоги и налогооблажение в Российской Федерации (учебник для ВУЗов), - М.: Книжный мир, 1999 г.
5. “Финансы” под. ред. Дробозиной Л.А. - М.: Юнити, 2000 г.
6. Яҳёев Қ. “Ўзбекистон солиқлари бўйича масалалар тўплами” Тошкент Молия институти 2002 й. 48 б.
7. Солиқ тўловчининг журнали.
8. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали.
9. “Бозор, Пул ва Кредит” журнали.
10. “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси.